2009 йил 16 декабрь, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 243 (11.554) | Баҳоси эркин нархда

Қўшма корхоналарда

## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ТОШКЕНТ 2200

**Маҳсулотнинг харидоргир ва рақобатбардош турларини кўпайтириш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида юксак унумли технологик линиялар қувватидан самарали фойдаланиш, илғор технологияларни қўллаш бугунги бозор иқтисодиёти талаблари сирасига киради.**



Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Ўзэлектроаппарат-Электрощит» қўшма корхонаси очиқ акциядорлик жамиятида бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқдаки, бу албатта ички ҳамда ташқи бозорда корхонада тайёрланаётган товар турларига талаб ортиб бораётганида ўз исботини топмоқда. Кейинги йилларда тадбиркорлик билан иш юритиш натижасида хорижий инвестициялар ҳисобига янги цехлар ташкил этилди, мавжудлари замонавий хорижий технологик линия ҳамда дастгоҳлар билан жиҳозланди. Шу боис ҳам корхонада ишлаб чиқариш ҳажми салмоғи йил сайин ортиб бормоқда.

Корхонада қўшимча ишчи ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу йигит-қизларнинг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилда ҳам янги цех ҳамда участкаларнинг ишга туширилиши натижасида 100 дан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мисол тариқасида кўрсатадиган бўлсак, жорий йилда корхонанинг лазер мажмуаси иш бошлади, бўяш ҳамда йиғув цехлари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида маҳсулот турлари ҳамда сифати ортди. Энг муҳими эса корхонада янги-янги лойиҳаларни яратиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муваффақиятларга гаров бўляпти. Ана шу мақсадни кўзда тутган ҳолда 4 та конструкторлик бўлими иш олиб боряпти. Албатта, ушбу бўлимларда ўз ишининг усталари бўлган юқори малакали мутахассислар изланишлар олиб боришмоқда. Ушбу меҳнат самараси эса янги ва рақобатбардош маҳсулот турларида аксини топмоқда, буюртмачилари сафи ҳам ортиб бормоқда. Асосийси эса тайёрланган маҳсулотларнинг халқаро талаблар даражасида бўлишига эришилаётганидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, корхона тадбиркорлари йилдан йилга халқ истеъмоли моллари тайёрлаш ҳажмини ҳам ошириб боришмоқда. Жорий йилда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли товарлари орасида 6 турдаги «Чимган» деб номланган дазмол маҳсулоти сифати билан харидорини топмоқда. Йил охиригача 10 минг дона электр дазмол ишлаб чиқарилади.

Корхона мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари эвазига замонавий технологияларни қўллаш асносида хорижий дастгоҳлар қуввати билан тайёрланаётган юқори ва паст вольтли электр жиҳоз ва ускуналардан халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида самарали фойдаланилмоқда. Шунинг баробарида тадбиркорлар экспорт ҳажмини оширишга ҳам интилишмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: корхона цехларида ўз ишининг усталари меҳнат қилишади.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

## ЭНЕРГЕТИКЛАР СЕМИНАРИ

**«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонунини ўрганиш ва қўллаш бўйича семинар бўлиб ўтди. Унда электр энергиясини ишлаб чиқариш корхоналари, магистрал ва ҳудудий электр тармоқлар раҳбарлари, вазирлик ҳамда идоралар вакиллари иштирок этди.**

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан электр энергетикаси соҳасида ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш мақсадида "Электр энергетикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва 2009 йилнинг 30 сентябрида кучга кирди. Ушбу қонунда электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, сотиш ва истеъмол қилиш борасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг аниқ қоидалари белгилаб берилган. Электр энергиясини ишлаб чиқаришдан истеъмол қилишгача бўлган жараёнда ҳар бир иштирокчининг ҳуқуқлари, мажбурият ва масъулиятини белгилайдиган нормалар электр энергетикаси соҳасида муносабатларни тартибга соладиган тизимни янада аниқлаштиради.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Б.Тешабоев бугунги кунда Ўзбекистон энергия тизими иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз аҳолисининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаб, уни экспорт қилаётганини таъкидлади. Электр энергетикаси соҳасидаги давлат сиёсати Ўзбекистон Республикасининг электр энергетика хавфсизлигини, мамлакатимиз ягона электр энергетика тизимининг ишончли ишлашини, истеъмолчилар эҳтиёжларини тўла таъминлашга қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорида ҳам энергетика стратегияси ўз ифодасини топган.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси мамлакатимизнинг ягона электр энергетика тизими доирасида электр энергиясини ишлаб чиқарадиган қувватлар ва электр тармоқларини реконструкция ва модернизация қилмоқда, соҳада комплекс техника сиёсатини юритмоқда. Компания таркибига 54 та корхона ва ташкилот киради. Қиймати 3,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 38 та инвестиция лойиҳаси соҳани мувозанатли ривожлантиришга ёрдам беради. Уларнинг амалга оширилиши энергия тизимининг барқарор ишлашига эришиш, истеъмолчиларни электр энергияси билан ишончли таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси бошқарувни такомиллаштириш мақсадида 2011 йилгача ўз корхоналари, хўжалик субъектлари ва маиший истеъмолчиларда электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий этишни кўзда тутмоқда. Мазкур тизимнинг жорий этилиши технологик йўқотишларни камайтириш, электр ресурсларини етказиб беришни янада аниқ ҳисоб-китоб қилишни таъминлайди. Тизимнинг шаклланган оптимал ишлаш тартиби ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишни яхшилаш имконини беради.

Семинарда янги қонун нормаларининг амалга оширилиши корхоналарга ўз фаолиятини такомиллаштириш, истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлашга ёрдам бериши таъкидланди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши туфайли ягона электр энергетика тузилмасини бошқаришнинг мувозанатлашган ҳуқуқий асоси, шунингдек, электр энергиясини етказиб берувчилар ва уларни истеъмол қилувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга соладиган яхлит тизим ташкил этилмоқда.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

Бугун

**ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг

**ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг

*иккинчи саҳифасида ёритилмоқда.*

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ**

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг

*учинчи саҳифасида ёритилмоқда.*

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Тошкентда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган дастур тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур тадбир БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда микромолиялаштириш тизимини ривожлантириш» лойиҳасининг Марказий ва Шарқий Европа, МДҲ бўйича Микромолия маркази ҳамда Ўзбекистон Микромолия ташкилотлари ва кредит уюшмалари миллий уюшмаси томонидан ташкил этилди.**

**• Жорий йилда қишлоқ хўжалигида салмоқли муваффақиятларга эришган фарғоналиклар ҳосил байрамини нишонлашди. Байрам тадбирига ҳосилни етиштириш ва йиғиб-теришда улкан ҳисса қўшган илғор фермер ва деҳқонлар, механизаторлар ва операторлар, меҳнат фахрийлари таклиф этилди.**

**• Муллатўйчи Тошмуҳамедов номли Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижроси доирасида уюштирилаётган «Республиканинг энг яхши қишлоғи» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**• Бухоро вилояти Шофиркон тумани марказидаги «Нажмиддин Наимжон» корхонаси қошида янги технологик анжомлар билан жиҳозланган нон ва булочка маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех фойдаланишга топширилди. Янги цехда бир кеча-кундузда 1 тоннага яқин 8 турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Цехнинг фаолият бошлаши 12 кишининг иш билан таъминланишига имкон яратди.**

**• Андижон вилояти Қўрғонтепа туманининг Султонобод қишлоғида замонавий гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган гузар қурилишига 60 миллион сўм маблағ сарфланиб, мазкур хайрли ташаббус натижасида ўндан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.**

**• Андижон шаҳридаги янги қад ростлаган савдо мажмуасида озиқ-овқат ярмаркаси очилди. Бу ерда бунёд этилган савдо расталарида 200 дан ортиқ тадбиркорлар ва фермерлар ўз маҳсулотларини сотишлари мумкин бўлади. Янги савдо нуқтасини гўшт-сут маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалик моллари билан «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси ҳамда «Андижон гўшт-сут савдо» акциядорлик жамияти қошидаги ҳудудий улгуржи база таъминламоқда.**

### ЖАҲОНДА

**• Руминия Конституциявий суди жорий йил 6 декабрда ўтказилган Президент сайловларини ҳуқуқий кучга эга деб топди ва Траян Басескуни янги муддатга сайланган президент деб эълон қилди.**

**• Шу кунларда Дания пойтахти Копенгаген шаҳрида БМТнинг иқлим ўзгаришларига бағишланган халқаро конференцияси бўлиб ўтмоқда. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, анжуман иштирокчиларидан глобал исишга қарши курашиш масаласига жиддий ёндошишни талаб қилган ҳолда кенг кўламдаги намойишлар ҳам уюштирилмоқда. Хусусан, икки кундан буён давом этаётган норозилик акциясида 40 мингдан ортиқ киши қатнашди.**

**• Кеча Вашингтонда «Боинг» корпорацияси томонидан янги «Боинг-787» ҳаво кемасининг илк синов парвози муваффақиятли тарзда амалга оширилди. Янги самолётнинг кенг кўламда ишлаб чиқарилишидан олдин унинг синов парвозлари яна тўққиз ой мобайнида давом этади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирнинг ўзида «Боинг» корпорациясига янги самолёт учун 840 та буюртма тушди.**

**• БМТ ва Тинчликни сақлаш бўйича Африка Иттифоқи Дарфурдаги миссиясининг Суданда гаровга олинган икки нафар ходими озод қилинди. Юқоридаги ташкилот ходимлари 107 кун мобайнида ушлаб турилган бўлса-да, уларга ҳеч қандай зиён етказилмаган.**

**• Буюк Британиянинг «Бритиш Аирвайс» авиакомпанияси 22 декабрдан 2 январга қадар авиаташувчиларнинг умумий иш ташлашини эълон қилди.**

**• Жаҳон бозорида нефть нархи сезиларли даражада пасайди. Жумладан, Нью-Йорк хом ашё биржасида «қора олтин»нинг бир баррели 69,87 АҚШ долларига баҳоланган бўлса, Лондон биржасида келгуси йил январь ойи учун нефтга 71,88 АҚШ доллари қийматида шартномалар имзоланган.**

# ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**МАҚСАДИМИЗ — ОБОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ҚУРИШ!**

***Ахмеджанов Бурхон Боходир ўғли 1977 йилда туғилган. «Dicom Servis» МЧЖ бош директори. ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосари. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва Мирзо Улуғбек тумани 11-Зиёлилар сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.***



## СЎЗИМИЗ ВА ИШИМИЗ АМАЛДА БЎЛСИН

— Балки, бироз ёшдирман, аммо айнан жўшқин ҳаёт ва ўзимнинг ғоявий маслакдошим деб билган ЎзЛиДеП ҳар бир айтилган сўз ва қилаётган ишимда масъулиятни ҳис этишни ўргатаётир, — дейди Бурхон Ахмеджанов.

Суҳбатдошимизни мана шундай очиқ мулоқотга чорлаш аслида осон бўлмади. Шу боис, назаримизда, кўпроқ камсуқум ва камгаплиги мана шундай мушоҳадали фикр юритиш йўсинида унинг дунёқарашини шакллантиришга таъсир кўрсатган десак ҳам адашмаймиз. Унинг мақсадини эса нафақат тадбиркорлик бобида, балки кўп йўналишдаги ишларига назар ташлаган ҳолда, яъни айнан ишларида кўриб билиш мумкин.

Бурхон Ахмеджановга унга ёрдам сўраб мурожаат қилганларнинг ҳаммаси ўз ишининг устаси дея таъриф беришади. Инсонлар эса суҳбатдошимиз фикри билан айтганда, қачонки энг оғир дамларда, ҳақиқатан ҳам ноиложлик сезганда, ёрдам сўрашга мажбур бўлишади.

— Демак, бундай вазиятларда биз шунчаки эмас, балки амалий ёрдам беришни бурчимиз деб қабул қилмоғимиз лозим, — дейди Бурхон Ахмеджанов.

Суҳбатни қаҳрамонимизнинг ижтимоий фаолиятидан бошлашимиз бежиз эмас. Унинг чин саховатпеша инсонлигига биз ҳам бир неча марта тасодифий равишда гувоҳ бўлганмиз. Айниқса, эътиборлиси шундаки, у барчага, ҳақиқатан ҳам ўз муаммоларини мустақил ҳал этиш имконияти бўлмаса, бирдек ёрдам беради.

— Лекин буни умумлаштириб, бир киши ёки ижтимоий кўмакка муҳтож аҳолига тааллуқли моддий масаланинг ечими деб қабул қилиш керак эмас, — эътироз билдирди ҳали айтиб улгурмаган фикримизни тушунгандай бўлиб Б.Ахмеджанов. — Айтингчи, ёшларимиз, айниқса касб эгаси бўлсада, аммо ҳали тажриба ва кўникма орттирмаган ўғил-қизларимиз, аҳолининг кўмакка муҳтож тоифасига кирадими? Уларни қўллаб-қувватлаш керакми? Албатта керак! Бу ҳақда мен шунчаки мушоҳада юритиш учун эмас, балки шундай жараёнларни ўзим ҳам босиб ўтганимни англаган ҳолда фикрлаяпман. Шуни ҳам инкор этмайманки, олдинда, ўз мақсад ва вазифаларим рўёби йўлида ҳали машаққатлар бўлиши табиий... Биласизми, эришилган натижалар қанчалик салмоқли бўлса, олдинга интилиш шунча кучаяверади, ҳаттоки тўсиқлар ҳам ўз-ўзидан барҳам топаверади. Мана шундай тарзда янги ғоя ва янги вазифалар келиб чиқаверади... Ҳақиқатан ҳам, ҳали ёшман, аммо шуни ҳам англадимки, буларнинг бари — фаол инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларидир...

Қаҳрамонимизнинг нечоғлик фаоллигини эса унинг таржимаи ҳолидан ҳам кўриш мумкин. Бурхон Ахмеджанов Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамда Россия тадбиркорлик ва ҳуқуқ институтини тугатган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олган, айни пайтда мазкур даргоҳда илмий тадқиқотчилик фаолиятини ҳам юритаётир. Ўз меҳнат фаолиятини эса хусусий тадбиркорликдан бошлаган. Дўстлари, яқинларининг гапига қараганда, бугунги мартабага эришиш осонликча кечмаган — йирик ишбилармон бўлиш истаги устун келган, тушкунликка тушган даврлари ҳам кам бўлмаган. Бундай пайтларда меҳрибон, дардкаш инсонлар ёнида бўлгани боис, аста-секин ҳамма нарса ўз измига тушиб кетарди. Бироқ Бурхон ҳар доим бу инсонлар олдида қарздор эканлигини ҳис этган. Йиллар давомида у яна бир ҳақиқатни — сенга кимдир ёрдам қўлини чўзса, ўз навбатида сен ҳам ўзга муҳтожларга ёрдамингни аямаслигинг лозимлигини англаб етди.

Бугунги кунда Бурхон Ахмеджанов юқорида таъкидланганидек, халқ истеъмоли моллари йўналиши бўйича фаолият юритаётган «Dicom Servis» компаниясининг ҳам таъсисчиси, ҳам бош директори, ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосаридир. Мазкур партияга у 2006 йилда «Dicom Servis» компанияси бозор иқтисодиёти шароитига мослашаётган мураккаб даврда кириб келди. ЎзЛиДеПда у ўзининг хайрихоҳлари ва ҳамкорларини орттирди. Бурхон Ахмеджановнинг партия топшириқларига ўта масъулият билан ёндошуви айни пайтда номзодининг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилишига асос бўлди. Номзод сифатида партиянинг Низом ва Дастури вазифаларини илгари суриб, сайловолди платформасида биринчи ўринга ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласини қўймоқда.

— Келгуси, 2010 йилнинг мамлакатимиз Президенти томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилингани, ишончим комилки, давлатимиз солномасида алоҳида ўрин эгаллайди, — таъкидлаб ўтди Бурхон Ахмеджанов. — Баркамол авлод деганда, авваламбор биз интеллектуал салоҳиятли, идроки кучли ёшларимиз манфаатини қўллаб-қувватлашни тушунамиз. Ушбу йўналишда Давлат дастури ишлаб чиқилиши арафасида. Фурсатдан фойдаланиб, сайловолди дастуримда кўзда тутилган айрим таклифларни келтириб ўтмоқчиман. Кенг тармоқли мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган ва энг муҳими — миллий менежмент модели бўйича ишлаб чиқилган махсус дастурлар асосида иш юритадиган ўқув марказларини ташкил этиш зарур деб ҳисоблайман. Мазкур марказлар бозор шароитлари эҳтиёжи ва талабига муносиб кадрларни шакллантириш баробарида, уларни давр тақозосига мувофиқ қайта тайёрлаш, босқичма-босқич малакасини ошириб боришни йўлга қўймоғи лозим. Зеро, ёшларнинг тадбиркорликка бўлган интилиш ва хоҳишларини, ўз кучига бўлган ишончини мустаҳкамлаш бобида қўллаб-қувватлаш, бошланажак ишларида амалий ёрдам кўрсатиш даркор.

Ушбу йўналишда, хусусан, ЎзЛиДеП Мирзо Улуғбек тумани Кенгаши қошида ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўлими самарали фаолият юритиб келмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ кейинги пайтда туман миқёсида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ёш тадбиркорлар кўлами кенгайиб бораётир. ЎзЛиДеП хайрихоҳлигида «Dicom Servis» масъулияти чекланган жамияти бир нечта ёш тадбиркорларга бизнес-фаолиятини юритишга бошланғич сармоя учун кредит олишда кафиллик масъулиятини ўз зиммасига олди. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, Бурхон Ахмеджанов раҳбарлик қилаётган мазкур компания жисмоний имконияти чекланган жамият ҳамда босмахона, 36-оилавий поликлиника, 105-мактаб-интернат, таэквандо ва армрестлинг федерациялари, бошқа кўплаб ижтимоий йўналишдаги муассаса ва ташкилотларга ҳомийлик қилмоқда. Бу эса бугунги кунда яна бир бор аниқ сўз ва иш нечоғлик батартиб ва амалда бўлмоғи лозимлигидан далолат беради.

***Равшан Абдулхайевич Фозилов 1961 йилда туғилган. «Феруз Фемида» адвокатлик бюроси директори. ЎзЛиДеП Миробод туман Кенгаши раиси. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва Миробод тумани 18-Темирйўл сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.***



## БОШЛАНҒИЧ БЎҒИН — ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ

15 ноябрда ЎзЛиДеП олти ёшга тўлди. Албатта, гап сиёсий партия тўғрисида бораётганда, узоқ йиллар давомида орттириладиган тажриба муҳим аҳамиятга эгадир. Аммо айни пайтда — сайлов жараёнлари фаоллашуви даврида биринчи ўринга партиянинг сиёсий майдондаги роли ва ўрни чиқади. Ўтган қисқа муддат ичида ЎзЛиДеП ўз атрофига минглаб тарафдорларни — партиянинг доимий изланишда бўлиш ва халқ фаровонлигини ошириш йўлида фақат шаҳдам қадам ташлаш ғоясини илгари суришни мақсад қилган турли йўналишдаги тадбиркорлару йирик ишбилармонларни, кўплаб касб эгаларини бирлаштиришга эришди.

Партиянинг асосий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда бошланғич бўғин муҳим роль ўйнайди ва ўз навбатида, агарда шундай дейиш мумкин бўлса, партиянинг ҳаётийлигини таъминлайди, демак ҳар томонлама унга таянч ва кўмак ҳам бўла олади. ЎзЛиДеПнинг Миробод туман Кенгаши раиси Равшан Фозилов шу хусусда қуйидаги фикрларни билдирди.

— Дарҳақиқат, бошланғич ташкилотлар нафақат биз — ЎзЛиДеПнинг, балки бошқа партияларнинг, қолаверса ҳар бир тузилманинг ҳам фаолияти йўналишларини, унинг долзарб ва узоқ муддатли вазифаларини ҳал этишда асосий таянч ҳисобланади.

Миробод туманида ЎзЛиДеПнинг 120 та бошланғич ташкилоти бўлиб, 3,1 мингдан зиёд кишини бирлаштиради. Жойлардаги бўғинлар билан ҳамкорлик фаолиятимизда ташкилий-сиёсий, оммавий тушунтириш ишларининг амалда синалган барча усул ва шаклларидан фойдаланамиз. Умуман олганда, ЎзЛиДеП ижроия қўмитаси бошланғич ташкилотларнинг самарали фаолияти нечоғлик муҳим эканлигини инобатга олган ҳолда, бор кучи ва эътиборини уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, кези келганда, ҳаттоки васийлик қилишга қаратмоқда.

ЎзЛиДеП Сиёсий кенгаши ижроия қўмитасининг «ЎзЛиДеП бошланғич ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, партия сафига янги аъзоларни қабул қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида барча бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилди. Эътиборли томони шундаки, ушбу йиғилишларда партиянинг республика, шаҳар, туман Кенгашлари етакчилари, ЎзЛиДеП васийлик кенгашининг масъул ходимлари иштирок этди. 19 та бошланғич партия ташкилотида янги раҳбарият таркиби сайланди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳисобот-сайлов йиғилишлари уюшган ва фаол равишда бўлиб ўтди, партиянинг 170 га яқин аъзоси сўзга чиқиб, бошланғич бўғинларнинг фаолиятини таҳлил этгани ҳолда, самарадорликка эришиш, партиямиздан сайланган депутатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан аниқ таклифлар киритди.

Кенг омма орасида партиянинг роли фаоллашиб бормоқда. Пойтахтимизнинг Миробод туманида 39 та маҳалла бўлса, шундан 23 тасида ЎзЛиДеПнинг бошланғич ташкилотлари тузилган бўлиб, улар нафақат ташаббускор, балки турар жойларни обод қилиш, гузарлар бунёд этиш, кўп қаватли уйларни таъмирлаш, турли муҳандислик иншоотларини янгилаш ишларида ҳам фаол қатнашаётир. Бундай саъй-ҳаракатларимизнинг бари, албатта, аҳолининг турмушини янада яхшилашга асос бўлаётир десак, адашмаймиз.

Саъй-ҳаракатламиз бесамар эмас, авваламбор сафларимизни кенгайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Сир эмас, туман миқёсида ҳар ойда партияга қабул қилишнинг ўсиши ўртача ўн-ўн беш нафар кишини ташкил этади. Шу ўринда, хусусан, ЎзЛиДеП учун муҳим аҳамиятга эга қуйидаги мисолни келтириб ўтмоқчиман. Икки йил аввал Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида партиямизга қизиқувчи ва хайрихоҳлар кўпайгани кузатилди. Айнан ўша кезларда ЎзЛиДеП сафига асосан йирик фирма ва компаниялар, турли ташкилотлар вакилларидан иборат янги куч кириб келди. Бундан ташқари, янги бошланғич ташкилотлар ташкил этилди. Масалан, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Тошкент вилояти филиали ҳамда амалиёт бошқармасида, «Асака» АТ банки, «Ўзтемирйўлконтейнер» акциядорлик жамиятида партия бўғинлари ўз ишини бошлади. Бу мисоллар фақат битта туманга тааллуқлидир.

Хулоса ўрнида айтмоқчиманки, айни пайтда яқин ва узоқ муддатли режаларимиз ҳам аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш масалалари билан боғлиқ бўлиб қолаверади. Бундай масалаларга биринчи навбатда ЎзЛиДеПдан сайланаётган депутатлар ҳам ўз эътиборларини қаратишлари лозимдир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, ҳар бир масала ўз вақтида, «эртага» қолдирилмасдан ҳал этилмоғи керак. Айнан шу тарзда, яъни ўзини амалда, ишда намоён этибгина ҳар бир партия электоратнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиши мумкиндир.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШИШ — ВАТАНИМИЗНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ ГАРОВИДИР!**

***Сергей Сергеевич Ким 1959 йилда туғилган. «BITI PRODUCTION» қўшма корхонаси директори. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган ва Миробод тумани 17-Мингўрик сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.***



## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ — БИЗНИНГ МАНФААТИМИЗ

Бугунги кунда мустақил мамлакатимиз ўзининг янги ижтимоий-сиёсий ривожланиш босқичига чиқди. Бунга том маънода Истиқлол йилларида шакллантирилган фуқаролик жамиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари пойдевор бўлаётир десак, адашмаймиз. Мамлакатимизда айни пайтда муҳим паллага кирган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайлов жараёни бунинг яққол исботидир.

Жамиятни янгилаш шароитида мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ҳам давлат сиёсати тизимининг муҳим бўғинига айланиб бораётир. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни жумладан кўппартиявийлик тизимининг яратилиши ва ривожини ўз ичига қамрайди. Партиялар эса — сайлов жараёнидаги асосий субъектлардир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзод сифатида ХДПнинг сайловолди платформаси асосий йўналишлари хусусида тўхталиб ўтишни жоиз деб биламан.

Сайлов олдидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг аниқ сиёсий нуқтаи назарини белгилаб олди. Бу борада ХДП Ўзбекистон Мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатни босқичма-босқич иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган демократик-ҳуқуқий давлат ва ривожланган фуқаролик жамиятини барпо этишга йўналтирилган стратегик мақсадларни илгари суради.

Партия мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва барқарор иқтисодий ривожланиш сиёсатини амалга оширишда муҳим ҳисобланган тинчлик-тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тамойиллари ўз ифодасини топишида фаол қатнашишни ўзининг устувор вазифаси деб билади.

Ушбу вазифаларга асосланган ҳолда, ЎзХДП ўз фаолиятини давлат ва жамият томонидан алоҳида кўмакка муҳтож аҳолининг манфаатларини таъминлашга қаратган. Улар сафига аввало иқтисодий соҳаларда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли фуқаролар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишга қийналаётганлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларини битирган ёшлар, жисмоний имконияти чекланганлар, пенсионерлар киради. Ўқитувчилар, шифокорлар, ижтимоий хизматни таъминловчи бошқа соҳа вакиллари ҳам партиянинг электоратига киради.

ЎзХДП бу кишиларнинг ижтимоий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари депутатлик корпусига партия томонидан сайланган гуруҳларнинг бирлашган кучини мамлакатимизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, масъул фуқаролик ахлоқ-одоб стандартлари ва меъёрларини ифода топтириш йўналтириш каби вазифаларни ҳам ўз олдига қўяётир.

Ушбу мақсадлар рўёби йўлида партия Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги вакиллари орқали давлатимиз раҳбарининг юксалиб бораётган иқтисодий имкониятларни биринчи навбатда аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан кам таъминланган фуқароларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

ЎзХДП иқтисодиёт устидан ташқаридан киритишга ҳаракат қилинаётган чекланмаган бозор ҳукмини ўтказиш ғоясига қаршилик қилади. Зеро, бозор иқтисодиёти шунчаки даромад олиш манбаи эмас, балки авваламбор танланган йўлга биноан ижтимоий йўналтирилган ва жамият манфаатига бўйсунадиган бўлмоғи лозим.

Партия Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури ҳамда мамлакатимизда узоқ муддатли инновацион стратегиясини изчил татбиқ этишга қаратилган инқироздан сўнг барқарор ривожланишнинг қуйидаги йўналишига ҳамоҳанг иш олиб боради, аҳоли реал даромадларининг кўпайишини кафолатловчи барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш бўғинида юқори тўлов қобилиятига эга барқарор иш ўринларини яратиш шулар жумласидандир. Бу борада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли айрим қийинчиликларга қарамасдан жорий йилда мамлакатимизда 950 мингга яқин иш ўринлари яратилгани, келгуси йилда эса ушбу кўрсаткичнинг бир миллиондан ошиши эътиборга моликдир.

Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳисобидан ички бозорни ижтимоий мувофиқ озиқ-овқат ва ноозиқ овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, юқори технологик жараёнларга мос равишда замонавий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини малакали ижтимоий ва коммунал хизмат билан таъминлаш вазифалари ҳам шу қаторга киради.

ЎзХДП «Давлат минимал ижтимоий стандартлари тўғрисида», «Фуқароларни мажбурий тиббий суғурта қилиш тўғрисида»ги янги қонунлар, «Фуқароларни давлат пенсияси ва ижтимоий таъминлаш тўғрисида»ги ягона қонунни жорий этиш, амалдаги Меҳнат кодексига, «Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунга, меҳнат муносабатлари, бандлик масалаларини мувофиқлаштириб борувчи меҳнатга ҳақ тўлашга оид бошқа қонуний ва меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш муҳимлигини илгари суради.

Партия хусусий уй-жой мулкдорларининг уй-жой фондини сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласида масъулиятини оширишга ҳаракат қилади. Ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтган ҳолда айтиш жоизки, 2005-2009 йилларда биргина Миробод туманида ширкатлар сони 33 тадан 450 тагача ортди. Шуниси ҳам эътиборлики, битта уйга хизмат кўрсатаётган ширкатларнинг фаолиятида салмоқли самарадорликка эришилаётир. Шаҳар миқёсида эса уй-жой мулкдорлари ихтиёридан келиб чиққан ҳолда 390 та шундай ширкатлар тузилган.

Бевосита 17-Мингўрик сайлов округи қамровидаги маҳаллалар хусусида тўхталадиган бўлсак, ушбу ҳудудда 209 та кўп қаватли уй бўлиб, аҳолига 160 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва 13 та бошқарув компанияси хизмат кўрсатмоқда. Атроф ҳудудни ободонлаштириш масалалари ҳамкорликда ўз ечимини топаётир.

Партия дастурларидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда коммунал хизматлари учун тўловларни қисқартириш масаласи ҳам долзарбдир. Бу борада хизмат кўрсатувчи корхоналар монополиясидан халос бўлмоқ лозим. Ушбу соҳада ҳақиқий соғлом муҳитни яратиш ва ривожлантиришга эришиш даркор. Албатта, бу борада тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг қайта кўриб чиқилиши ҳам тақозо этилади.

Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўлида сайлов жараёнига шаҳдам кирган Ўзбекистон Халқ демократик партияси, шубҳасиз, бор куч ва имкониятларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларида етакчи ўринларни эгаллашга қаратади.

**Ҳозирги иқтисодий шарт-шароитлар ҳар бир мамлакатнинг ўз энергия тизимининг мустақил фаолият кўрсатишини тақозо этади. Бу давлатларнинг манфаатларига тўла-тўкис мос бўлган ҳолатдир.**

# МАМЛАКАТИМИЗ ОҚИЛОНА ЙЎЛНИ ТАНЛАДИ

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ягона энергия тизими тузилмасидан чиқишга қарор қилганлиги оқилона ва тўғри йўлдир. Зеро, кейинги пайтларда собиқ иттифоқ давридан қолган Марказий Осиёнинг бирлашган (ягона эмас) энергия тизими тўла издан чиқди. Ушбу тизимнинг ҳеч қандай мажбурий функционал юридик ваколатлари қолмади. Натижада айрим мамлакатлар умумий тармоқдан электр энергиясини узатиш ва олиш бўйича белгиланган меъёрларни мунтазам буза бошладилар. Шу сабабдан Туркманистон бундан 6 йил илгариёқ ушбу тизимдан чиқиб кетган бўлса, Қозоғистон ҳам тез орада бирлашган энергия тизимидан чиқиб кетиши ҳақида огоҳлантирди.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш жоизки, Ўзбекистон келишилган тартибда (2009 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида) барча манфаатдор томонларни, 2009 йилнинг 1 декабридан Марказий Осиёнинг бирлашган энерготизимидан чиқиши ҳақида олдиндан расмий огоҳлантирди. Демак ўз- ўзидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон томонидан бирон-бир халқаро меъёр ёки юртимиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятлар бузилмайди. Яъни, ўз бошқарувини йўқотиб, омонат бўлиб қолган бирлашган энерготизимидан чиқиш билан Ўзбекистон мамлакат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўз энерготизими фаолиятининг издан чиқишининг олдини олади. Хулоса ҳам аён албатта: соғлом фикрли инсонлар республика манфаати йўлида қилинаётган ушбу ҳаракатни тўла қўллаб-қувватлайдилар ва буни тушунишнинг вақти келганини таъкидлайдилар.



Спорт

## ЯНГИ СУЗИШ ҲАВЗАСИ
### болажонлар билан гавжум

**Республикамизда болалар спортини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, оммавий спорт тадбирларига ўқувчи-ёшларни кенг кўламда жалб этиш, истеъдодли ёш спортчиларни танлаб олиш ва уларга спорт билан мунтазам равишда шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш борасида қатор тадбирлар ва амалий ишлар бажарилмоқда.**

Жумладан, Тошкент шаҳрида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали томонидан 2003-2009 йиллар давомида II-ТИП бўйича 15 та болалар спорт мажмуалари, 6 та мактабда спорт заллари янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. 1 та мусиқа мактаби ва 9 та сузиш ҳавзалари мукаммал таъмирланди.

2009 йил манзилли дастурига асосан 2 та янги қурилиш (Юнусобод тумани Ҳасанбой мавзесида болалар спорт мажмуаси, М.Улуғбек туманидаги ТТЗ мавзесидаги ёпиқ сузиш ҳавзаси), 1 та мусиқа мактаби (М.Улуғбек туманидаги 2-сонли мусиқа ва санъат мактаби) капитал реконструкцияси, 1 та мактабга (Шайхонтоҳур туманидаги 42-мактаб) янги қурилган спорт зали фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари жамғарма томонидан 6 та (Сергели туманидаги 17-БЎСМ, Учтепа туманидаги 44-мактаб ва коммунал қурилиш касб-ҳунар коллежи, Яккасарой туманидаги 160-мактаб ва Ҳамза туманидаги 206-мактаб ва «Умид» болалар спорт мажмуаси) сузиш ҳавзалари мукаммал таъмирланди. Ҳозирги кунда ушбу спорт иншоотларида 10 мингдан ортиқ болалар мунтазам спорт билан шуғулланиб келмоқда.

Яқинда Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ мавзесидаги ёпиқ сузиш ҳавзасининг очилиш маросими ўтказилди. Ушбу тадбирда М.Улуғбек туманидаги Болалар ижодиёт маркази ва С.Раҳимов туманидаги «Мусаффо булоқ» сузиш ҳавзаси тарбияланувчиларнинг кўргазмали чиқишлари ўзгача файз бағишлади. Ҳозирда янги сузиш ҳавзаси ҳам болажонлар билан гавжум.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: янги сузиш ҳавзасида**

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

**Қарши шаҳрида кўл жанги бўйича қитъамизнинг 10 та давлатидан келган спортчилар иштирокида уюштирилган Осиё чемпионати мусобақалари мамлакатимиз терма жамоасига муваффақият келтирди.**

Қувонарлиси, ҳаваскорлар баҳсларида ҳам, профессионаллар беллашувларида ҳам спортчиларимиз барча рақибларидан маҳоратлироқ эканликларини исботлашди.

Профессионаллар беллашувларида ҳамюртларимиздан Шуҳрат Миноваров, Жаҳонгир Абдувоҳидов, Рустам Магдиев, Бобур Раҳматов, Шуҳрат Абдураимов, Санжар Ўртаков, Элбек Акбаров, Мурод Холтўраевлар ўз вазн тоифаларида Осиё чемпиони номини қўлга киритишди.

Биз кўп минг сонли мухлислар номидан спортчиларимизни ушбу ғалаба билан қутлаймиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҚОНУНИ БОСИТИЙ

#### Нонда зарар борми?

Билмоқ керакки, агар нон ҳазм бўлмаса кўпроқ зарар қилади. Чунки нонннинг мағзи, гарчи ҳазм бўлмаса ҳам, ғоят даражада майда қисмчаларга бўлиниб, намлик билан қўшилиб, меъдада жигарга ва ундан баданга ўтишга қобил бўлади. У ҳар бир жойга борганда бадан тешикларининг тор ёки кенглигига қараб, баъзи тешикдан ўтолмай тиқилиб қолади. Баъзи тешикдан ўтса ҳам, баъзи тор тешикдан ўтолмай, ўша ерда ўрнашиб қолиб, бекитиб қўяди. Натижада сафровий ич кетиш, сариқ касали, истисқо ва пес каби касалликларни пайдо қилади.

#### Гўшт ҳазм бўлмаса...

Аммо, гўшт ҳазм бўлмаса ундан зарар камроқ бўлади. Зероки ҳазм бўлмаган гўшт майда бўлакларга бўлиниб, баданга бормайди, балки меъдадан ичакка ўтиб кетади. Бинобарин, бадан гўштдан бебаҳра қолса ҳам бошқа зарар кўрмайди. Фақат ичакдан ўтиб, ташқари чиқишда ел пайдо қилиши, сассиқ кекириш ва шунга ўхшаш енгил ва вақтинчалик зарарларгина юз бериши мумкин.

#### Гуруч ҳазм бўлмаса...

Аммо, гуруч ҳазм бўлмаса, унинг зарари нонннинг зараридан камроқ ва гўштнинг зараридан кўпроқ бўлади. Зероки гуруч нон каби майда бўлакларга бўлинмайди. Демак, баданга кўп таъсир қилмайди, камроқ таъсиридан эса зарар ҳам камроқ ҳосил бўлади. Ҳар ҳолда меъда ва ичакларда гўштдан ҳосил бўладиган зарар, албатта, гуручдан ҳам ҳосил бўлади. Баданга таъсири бўлгани учун бадан ҳам зарардан ҳоли қолмайди.

#### Табибларнинг ихтилофлари

Билмоқ керакки, баъзи жойда табибларнинг сўзлари бир-бирига мухолиф бўлиб, бирининг иссиқ деган нарсаларини бошқа бирови совуқ дейишлари, бирининг фойда деганини иккинчиси зарар дейишлари юз берган. Лекин бу сўзлар уларнинг тажрибада хато қилганларига далил бўлолмайди. Чунки бу ихтилоф тўрт эҳтимолдан ҳоли бўлолмайдики, ё ҳар икки имтиҳон қилувчи мўътадил мизожли бўлади ёки бири мўътадил мизожли бўлиб, иккинчиси мўътадил бўлмайди ёки ҳар иккисининг мизожи мўътадилликдан икки ихтилофли томонга чиққан бўлади. Масалан, бирининг мизожи мўътадил даражадан иссиқроқ ва бирининг мизожи мўътадил даражадан совуқроқ бўлади. Ҳар икки имтиҳон қилувчининг мизожи бир-бирига мувофиқ мўътадилликдан ташқарига чиққан бўлади. Чунончи, ҳар иккиси ҳам мўътадиллик чегарасидан бироз иссиқроқ ёки совуқроқ мизожли бўлади.

Демак, ҳар икки имтиҳон қилувчининг мизожлари бир-бирига қарши икки томонга мойил бўлса, яъни битталари мўътадилликдан иссиқ томонга мойил мизожли бўлса, бошқаси мўътадилликдан совуқ томонга мойилроқ мизожли бўлса, ихтилофларининг сабаби албатта маълумдирки, бироз иссиқ мизожли кишига озгина иссиқ нарса кўпроқ таъсир қилади, шунда ўткирроқ иссиқлик бор, деб гумон қилинади. Аммо мизожи бироз совуқроқ кишига озгина иссиқ нарса асло таъсир қилмайди ва иссиқлиги мутлақо сезилмайди. Бинобарин, бундай киши ўша нарсани мўътадил ва совуқ деб гумон қилади.

**(Давоми бор)**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


## ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ

**2009 йил 31 январдаги «Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олиб, адвокатлик бюро, фирма ва ҳайъатларда адвокатлик фаолияти билан шуғулланмаётган шахсларнинг лицензияларининг амал қилишини тугатиш ҳақида»ги 13-ум-Б сонли буйруғига асосан қуйидаги шахсларнинг лицензиялари БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

| Т/Р | Ф.И.Ш. | Лицензия рақами | Берилган санаси |
|---|---|---|---|
| 384 | Хрякова Д. М. | TN - 000972 | 01.03.1999 |
| 385 | Эргашева М. Б. | TN - 000976 | 01.03.1999 |
| 386 | Уртенов М. А. | TN - 000978 | 05.03.1999 |
| 387 | Бабаев Х. А. | TN - 000984 | 10.03.1999 |
| 388 | Муталипов М. М. | TN - 000985 | 10.03.1999 |
| 389 | Холмуратов З. И. | TN - 000987 | 10.03.1999 |
| 390 | Нурмухамедова Г. Н. | TN - 001005 | 02.04.1999 |
| 391 | Гаязов Р. Г. | TN - 001009 | 02.04.1999 |
| 392 | Биккиняева Л. Р. | TN - 001010 | 02.04.1999 |
| 393 | Пинхасова В. Д. | TN - 001011 | 08.04.1999 |
| 394 | Тошкулов А. Д. | TN - 001012 | 08.04.1999 |
| 395 | Азизов Б. М. | TN - 001016 | 08.04.1999 |
| 396 | Сипягин В. Б. | TN - 001025 | 13.04.1999 |
| 397 | Садриев Р. Х. | TN - 001028 | 15.04.1999 |
| 398 | Мадрахимова М. Т. | TN - 001039 | 10.06.1999 |
| 399 | Романов А. В. | TN - 001043 | 10.06.1999 |
| 400 | Тиллаходжаев С. | TN - 001044 | 10.06.1999 |
| 401 | Эргашев Х. Ж. | TN - 001045 | 10.06.1999 |
| 402 | Кабилов А. Т. | TN - 001048 | 10.06.1999 |
| 403 | Ниёзов М. | TN - 001051 | 10.06.1999 |
| 404 | Аветисян Г. Ю. | TN - 001052 | 10.06.1999 |
| 405 | Холматов Н. О. | TN - 001053 | 10.06.1999 |
| 406 | Рузметов Х. И. | TN - 001057 | 18.06.1999 |
| 407 | Худоярова Х. М. | TN - 001058 | 18.06.1999 |
| 408 | Камалова Р. К. | TN - 001059 | 18.06.1999 |
| 409 | Бабаханов А. Р. | TN - 001062 | 18.06.1999 |
| 410 | Бакыева Р. Р. | TN - 001069 | 19.07.1999 |
| 411 | Власов Ю. С. | TN - 001071 | 19.07.1999 |
| 412 | Засеев О. Р. | TN - 001072 | 19.07.1999 |
| 413 | Лустов А. В. | TN - 001073 | 19.07.1999 |
| 414 | Шерматов М. Н. | TN - 001075 | 19.07.1999 |
| 415 | Корнеева Л. А. | TN - 001077 | 27.07.1999 |
| 416 | Корнеева В. В. | TN - 001078 | 27.07 1999 |
| 417 | Насыров Ш. Д. | TN - 001081 | 27.07.1999 |
| 418 | Сираждинов О. С. | TN - 001082 | 27.07.1999 |
| 419 | Ботиров Н. | TN - 001085 | 27.07.1999 |
| 420 | Мадаминов М. А. | TN - 001092 | 02.08.1999 |
| 421 | Худайбергенов А. О. | TN - 001096 | 11.08.1999 |
| 422 | Свиридов О. Ю. | TN - 001097 | 11.08.1999 |
| 423 | Маринова С. А. | TN - 001099 | 11.08.1999 |
| 424 | Мирходжаев Б. М. | TN - 001102 | 11.08.1999 |
| 425 | Азизходжаев Б. А. | TN - 001103 | 11.08.1999 |
| 426 | Хайтимбетова М. С. | TN - 001106 | 14.09.1999 |
| 427 | Тен Н. М. | TN - 001111 | 30.09.1999 |
| 428 | Юсупов Н.Н. | TN - 001113 | 30.09.1999 |
| 429 | Гаибов С. С. | TN - 001114 | 30.09.1999 |
| 430 | Макуожина Н. С. | TN - 001118 | 08.10.1999 |
| 431 | Астапова И. Ю. | TN - 001120 | 08.10.1999 |
| 432 | Азизов З. А. | TN - 001122 | 08.10.1999 |
| 433 | Расулов Б. Ш. | TN - 001123 | 08.10.1999 |
| 434 | Йигиталиева Д. С. | TN - 001127 | 08.10.1999 |
| 435 | Насиров О. К. | TN - 001130 | 08.10.1999 |
| 436 | Сайфуллина Л. Р. | TN - 001134 | 25.10.1999 |
| 437 | Мирзаджонов Ф. К. | TN - 001137 | 25.10.1999 |
| 438 | Хакназаров Ш. И. | TN - 001139 | 29.10.1999 |
| 439 | Тахиров Ш. Ш. | TN - 001143 | 01.12.1999 |
| 440 | Каюмова Н. А. | TN - 001145 | 01.12.1999 |
| 441 | Алтыбаев Я. У. | TN - 001147 | 01.12.1999 |
| 442 | Гриценко К. И. | TN - 001148 | 01.12.1999 |
| 443 | Бахмач И. В. | TN - 001152 | 01.12.1999 |
| 444 | Ким Г. В. | TN - 001155 | 01.12.1999 |
| 445 | Икрамова М.А. | TN - 001156 | 01.12.1999 |
| 446 | Иргашев М.М. | TN - 001157 | 01.12.1999 |
| 447 | Иноятов А. А. | TN - 001160 | 01.12.1999 |
| 448 | Халитов Ш. М. | TN - 001161 | 01.12.1999 |
| 449 | Абдуразакова Г. Р. | TN - 001166 | 03.12.1999 |
| 450 | Исмоилов Б. А. | TN - 001167 | 03.12.1999 |
| 451 | Абдухалилов С. А. | TN - 001168 | 03.12.1999 |
| 452 | Абдулхасанов Р. | TN - 001170 | 03.12.1999 |
| 453 | Бабаджанова Г. Р. | TN - 001176 | 13.12.1999 |
| 454 | Талипова Н. Ж. | TN - 001177 | 13.12.1999 |
| 455 | Азизов Ш. Ш. | TN - 001179 | 20.12.1999 |
| 456 | Салмова Н. С. | TN - 001180 | 20.12 1999 |
| 457 | Хайрудинова А. Я. | TN - 001182 | 17.01.2000 |
| 458 | Рустамова Г. Н. | TN - 001183 | 17.01.2000 |
| 459 | Ишмурзаев Ш. Т. | TN - 001184 | 17.01.2000 |
| 460 | Бурханов Р. Х. | TN - 001185 | 17.01.2000 |
| 461 | Корабоев Х. М. | TN - 001187 | 17.01.2000 |
| 462 | Третьякова С. Е. | TN - 001191 | 17.01.2000 |
| 463 | Харламова В. А. | TN - 001192 | 17.01.2000 |
| 464 | Рузикулов С. М. | TN - 001194 | 17.01.2000 |
| 465 | Кулдасов Б. | TN - 001198 | 03.02.2000 |
| 466 | Хамракулов Х. | TN - 001199 | 03.02.2000 |
| 467 | Туйчиев Э. Ф. | TN - 001200 | 03.02.2000 |
| 468 | Маматов А. М. | TN - 001201 | 03.02.2000 |
| 469 | Ким В. Г. | TN - 001202 | 11.02.2000 |
| 470 | Расулов А. М. | TN - 001203 | 11.02.2000 |
| 471 | Ибрагимов А. М. | TN - 001209 | 11.02.2000 |
| 472 | Данилин А. В. | TN - 001211 | 16.02.2000 |
| 473 | Валиев К. М. | TN - 001213 | 11.02.2000 |
| 474 | Соловьёв Ю.Ю. | TN - 001214 | 25.02.2000 |
| 475 | Тажибоев М.М. | TN - 001219 | 23.03.2000 |
| 476 | Насибуллина А. Р. | TN - 001221 | 24.03.2000 |
| 477 | Шайхразиева С. Р. | TN - 001223 | 20.03.2000 |
| 478 | Мирзахмедова С. Т. | TN - 001224 | 20.03.2000 |
| 479 | Хламова Н. В. | TN - 001226 | 26.03.2000 |
| 480 | Рубан Л. А. | TN - 001227 | 26.03.2000 |
| 481 | Обидов Ф. З. | TN - 001231 | 26.03.2000 |
| 482 | Хамидова Л. З. | TN - 001232 | 26.03.2000 |
| 483 | Фидаева Н. Э. | TN - 001233 | 26.03.2000 |
| 484 | Маматкулов У. Э. | TN - 001235 | 26.03.2000 |
| 485 | Кучимов А. Ф. | TN - 001236 | 26.03.2000 |
| 486 | Утешева Е. В. | TN - 001237 | 26.03.2000 |
| 487 | Рахманов Э. У. | TN - 001239 | 26.03.2000 |
| 488 | Сатданов Р. Р. | TN - 001240 | 26.03.2000 |
| 489 | Кораходжаева Ш. М. | TN - 001243 | 29.03.2000 |
| 490 | Осинов Л. И. | TN - 001244 | 30.03.2000 |
| 491 | Мелкумян Р. Г. | TN - 001245 | 29.03.2000 |
| 492 | Азимов Б. А. | TN - 001246 | 29.03.2000 |
| 493 | Касимова Г. Ш. | TN - 001248 | 29.03.2000 |
| 494 | Прназова Х. Р. | TN - 001252 | 21.04.2000 |
| 495 | Ходжаева Д. Т. | TN - 001254 | 21.04.2000 |
| 496 | Азимов Н. А. | TN - 001258 | 21.04.2000 |
| 497 | Абдурасулова К. Р. | TN - 001263 | 26.04.2000 |
| 498 | Джураев Р. И. | TN - 001264 | 26.04.2000 |
| 499 | Мухитдинов Ф. М. | TN - 001265 | 26.04.2000 |
| 500 | Хасанов Б. А. | TN - 001266 | 26.04.2000 |
| 501 | Алимкулов Т. Э. | TN - 001269 | 26.04.2000 |
| 502 | Джамалова Г. М. | TN - 001272 | 26.04.2000 |
| 503 | Беков Т. И. | TN - 001273 | 01.06.2000 |
| 504 | Пргулова А. Х. | TN - 001274 | 01.06.2000 |
| 505 | Исаева Х. Ш. | TN - 001282 | 01.06.2000 |
| 506 | Сергеева Л.М. | TN - 001283 | 01.06.2000 |
| 507 | Бабаев Д. И. | TN - 001284 | 01.06.2000 |
| 508 | Мананов М. Н. | TN - 001286 | 01.06.2000 |
| 509 | Саакяни А. Ю. | TN - 001290 | 01.06.2000 |
| 510 | Ахмедов А. К. | TN - 001292 | 01.06.2000 |
| 511 | Файзимабоев А. А. | TN - 001296 | 07.07.2000 |
| 512 | Абдуллаев М. Н. | TN - 001298 | 13.07.2000 |
| 513 | Гаффорова Э.А. | TN - 001299 | 13.07.2000 |
| 514 | Кан М. П. | TN - 001300 | 13.07.2000 |
| 515 | Бурдюк В. Д. | TN - 001304 | 13.07.2000 |
| 516 | Юсупов Д. Р. | TN - 001307 | 18.07.2000 |
| 517 | Криленко И. В. | TN - 001310 | 18.07.2000 |
| 518 | Болтабоев М. Ю. | TN - 001311 | 18.07.2000 |
| 519 | Мажнунов В. И. | TN - 001312 | 18.07.2000 |
| 520 | Гаффаров Т. | TN - 001315 | 18.07.2000 |
| 521 | Ахмедов А. М. | TN - 001317 | 07.08.2000 |
| 522 | Эшанкулова Л. П. | TN - 001320 | 07.08.2000 |
| 523 | Ибрагимова С. Т. | TN - 001323 | 07.08.2000 |
| 524 | Бураченко В. А. | TN - 001324 | 07.08.2000 |
| 525 | Мадрахимов У. Ю. | TN - 001325 | 07.08.2000 |
| 526 | Муминова Д. Р. | TN - 001328 | 07.08.2000 |
| 527 | Туйгунова З. Б. | TN - 001329 | 07.08.2000 |

**АВТОСАЛОН ҚУЙИДАГИ АВТОМОБИЛЛАРНИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАМИЗ — СЎМДА СОТАДИ:**

**«Каптива» — 2 дона;**
**«Ласетти» — 7 дона;**
**«Нексия» — 23 дона;**
**«Дамас» — 13 дона.**

**Автосалон манзили: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, М.Улуғбек кўчаси, 82А-уй.**

**Бу ҳақда тўла маълумот олишни истасангиз савдо бўлимига 263-51-54 телефони орқали қўнғироқ қилинг.**

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳал қилув қарорларига асосан «IZIS» жамоат бирлашмаси ва Тошкент шаҳар қийин аҳволда қолган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш «Меҳр таянчи» марказининг фаолияти тугатилганлиги муносабати билан уларга Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан берилган гувоҳномалар ҳамда ушбу жамоат бирлашмалари фойдаланиб келаётган бурчак штампи ва думалоқ муҳри
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 1106

Топширилган вақти: 16.15